

## ХОЗИРГИ УЗБЕК БОЛАЛАР ШЕЬРИЯТИДА ЛИНГВОПОЭТИК ТАХЛИЛ

З. Ш. Ашуррова

СамИСИ "Узбек тили ва адабиети" кафедраси доц.в.б

**Аннотация:** **Мыюлада** замонавий ўзбек адабиёти, хусусан, шеъриятимизда юз берайтган шаклий-мазмуний ўзгаришлар, лисоний-услубий жиҳатлар, унинг бадиияти, эмоционал-экспрессивлиги, эстетик таъсир кучини таъминловчи омиллар ва воситалар хусусида фикр юритилган.

**Калит съзлар:** бадиий тафаккур, тасвирий воситалар, лисоний онг, лисоний фаолият, лисоний шахсият, лингвопоэтика.

Ижодкорлар асарлари тилини таҳлил қилиш она тилимизни чуқур ўрганиш йўлларидан биридир. Болалар адабиётига назар ташлар эканмиз, унинг матнидаги туб бурилишларга назар ташлаймиз, шунингдек, унинг лингвопоэтик хусусиятлари қай даражада талқин қилинди. Бизнингча, филология доирасида фонетик, морфологик ва синтактик жиҳатларини кўп ўрганилган бўлса-да, адабиёт, хусусан, болалар адабиётининг лингпоэтикаси бўйичаси етарли илмий-амалий ишлар қилинмаган. Бадиий матнда муаллифнинг мазмунни шаклга солишдаги маҳорати, бундаги индивидуал хусусиятлар алоҳида қимматга эга. Ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигига ҳам матн билан боғлиқ масалаларнинг аксарияти аллақачон стилистикага бағишиланган ишларда у ёки бу даражада ўрганилган. Уларда матнга лингвопоэтик ва лингвосоциологик жиҳатлардан ёндашилган ҳамда унинг ҳар бир жиҳати ўзига хос тарзда тадқиқот обьекти бўлган. Замонавий ўзбек адабиёти, хусусан, шеъриятимизда юз берайтган шаклий-мазмуний ўзгаришлар, лисоний-услубий жиҳатлар, унинг бадиияти, эмоционал-экспрессивлиги, эстетик таъсир кучини таъминловчи омиллар ва воситаларни аниқлашда янгича ёндашув – прагматик таҳлил асосида тадқиқ қилиш лингвопрагматик масалаларни ёритишда кенг қамровли имкониятни юзага чиқариши шубҳасиздир. Поэтик матн аввало, образли, тасвирий воситаларга бойлиги билан характерланади. Ундаги ҳар бир сўзнинг маълум бир прагматик юки бор. Атоқли олим М.Йўлдошевнинг таъкидлашича<sup>1</sup>, бадиий матннинг

<sup>1</sup> Қурбонова М, Йўлдошев М. Матн тилшунослиги.-Т;: “Университет”, 2014. 67-Б

лингвопоэтик таҳлилида, энг аввало, шакл ва мазмун бирлиги бирламчи тамойил сифатида қаралиши лозим. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, замонавий болалар адабиётида, хусусан, биз ўрганиш объекти қилган Анвар Обиджон, Олқор Дамин, Диљшод Ражаб ижодининг шаклий ва мазмуний тил хусусиятлари ва тоярий тадрижи ҳақида қуидагиларни келтиришимиз мумкин:

➤ Мустақилликкача бўлган адабиётдан фарқли равишда кейинги болалар адабиётида асосий мавзу энди эркинлик ва озодлик эмас, балки асрий ва абадий мавзулар меҳр-муҳаббат, эзгулик каби мавзулар бўлди;

➤ Адабиётга модернистик шеъриятнинг кириб келиши болалар адабиётига кириб келмай қолмади, яъни шаклда энди олдингидай қолипларга ва қофияларга асосланган шеърият эмас асосан, мазмун сақланган шакл асосий ўринга ега бўлмаган, пунктуацион ва синтактик қоидаларга бўйсунмайдиган модернистик шеърият кириб келди;

Лингвопоэтиканинг иккинчи тамойили бу ундаги ҳар бир тил ҳодисасига макон ва замон бирлиги тушунчаси ҳисобга олинади. Замонавий болалар адабиётига назар ташлар эканмиз, тарихий мавзудаги шеърий матнлар асосан достон, эртак-достон шаклида ёзилган бўлиб ўша даврни ёритиш учун даврда қўлланилган лексик-грамматик воситалардан фойдаланилган, абадий мавзуларда ёзилувчи шеърий матнлар асосан тўртлик тарзда ифодаланганди ўзбек тилидаги сўзлар билан биргаликда Европа тилларидан кириб келган лексикадан унумли фойдаланилган.

Лингвопоэтиканинг учинчи тамойили сифатида бадиий адабиёт тилининг, хусусан, таҳлил этилаётган матн тилининг умумхалқ тили, унинг турли хил кўринишлари ва адабий тилга муносабатини назарда тутиш лозим<sup>2</sup>. Биз юқоридаги таҳлилларимизда, айниқса, Диљшод Ражаб ва Анвар Обиджон ижодида ўзбек халқ мақолларидан, асрий бирикмаларидан унумли фойдаланганини гувоҳи бўлдик. Олқор Дамин ижодида эса умумхалқ лексикасининг ғаройиб янгилangan маъноларини кўрдик.

Лингвопоэтик таҳлилнинг кейинги тамойилида бадиий матнга бадиий-естетик яхлитлик, бутунлик сифатида ёндашилади. Бунда бадиий матннинг асосий концепти аниқлаб олинади. Бадиий матннинг шаклланишида асосий компонент саналувчи ҳар бир тил бирлиги, салбий ва ижобий маъно ифодаловчи лексика билан биргаликда

<sup>2</sup> Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008. 35-Б

унинг жанр хусусийатлари бирикиб асосий концептни шакллантиради. Бадий асар тилини ўрганиш кенг қамровли жараён бўлиб, нафақат адабиётшуносликка оид бадий ғоя, фикр, умумий образлилик, индивидуаллик, бадий маҳорат, шунингдек, тилшуносликка оид семиотика, коннотация, прагматика каби тушунчаларни умумлаштиради, когнитив фан соҳалари билан ҳам боғланиб, ўзининг таҳлил доирасини билиш, тушуниш, идрок этиш, таҳлил қилиш, лисоний тафаккур, лисоний онг, лисоний фаолият, лисоний шахсият каби тушунчалар билан ҳам кенгайтириб боради. Ишга мана шу тарзда комплекс ёндашиш лингвопоэтика учун кутилган натижаларни беради<sup>3</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, лингвопоэтиканинг ҳар бир тамойилида бадий матнни ташкил етувчи ҳар бир унсур ва компонентнинг ўз ўрни бор. Хусусан, болалар адабиётининг ўзига хос томонларини очиб беришда лингвопоэтик таҳлилнинг ўрни бекиёсdir. Бадий тил материаллари, юксак даражадаги поэтик далиллар асосида бугунги ўзбек шеъриятида лисоний омилларнинг воқелашиби ва бадииятни таъминлашдаги ўрнини илмий-танқидий таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш зарурати ушбу тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди<sup>4</sup>. Шеърий нутқда бадий мазмуннинг оригинал бўлишига эришиш учун ижодкор янгича ифода усусларини топишга интилади. Айни шу ижодий-руҳий эҳтиёж туфайли турлича ифода усуслари яратилади ва шеъриятнинг ифода имкониятлари ривожланиб боради<sup>5</sup>. Усулни танлаш масаласини ҳар бир ижодкор адрэсатга айтмоқчи бўлган гапи, янгича фикр-ўйи, ўз олдига қўйган ғоявий-бадий мақсадидан келиб чиқиб мустақил ҳал қиласди. Ижодий жараёндаги ранг-баранглилик, жозибадорлик, кутилмаган оригиналлар шундан келиб чиқади. Образли поэтик тили билан серқатлам маънодорликка эришишга интилган шоирлар ҳаёт ҳақиқатларини бадий ҳақиқатга айлантиришда бадиийликнинг муҳим омилларидан унумли фойдаланади. Мустақиллик даври болалар адабиётининг ўзига хос томонлари балки унинг мазмун ва ғоясида, шаклий, поэтик ва лингвистик томонларида ҳамдир.

<sup>3</sup> Ҳасанов А. Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари тилининг бадииятини таъминловчи лексик-стилистик воситалар. Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 2010. – Б.10.

<sup>4</sup> Умирова С. Ўзбек шеъриятида лингвистик воситалар ва поэтик индивидуаллик. Самарқанд. 2019. Филол.фанлари бўйича фалсафа док.автореферати. 15-б.

<sup>5</sup> Кўчибоев А. Матн прагматикаси. -Самарқанд, 2015. 43-В